

Марғилон шаҳар “Дехкон бозори” акциядорлик жамияти акциядорларининг 2024 йил якунига кўра ўтказилган навбатдаги умумий йиғилиш Баёни.

Йиғилиш ўтказилган сана – 17 май 2025 йил

Йиғилиш ўтказилган манзил – Марғилон шаҳри Мустақиллик кўчаси

Кузатув кенгаши аъзоси И.Тошбоев бугунги умумий йиғилишга қатнашувчиларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганлиги сабабли рўйхатдан ўтган акциядорлар ҳақида маълумот беришни сўраб, санок комиссияси раиси О.Тожибоевга сўз берди:

Марғилон шаҳар “Дехкон бозори” акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилишида иштирок этувчиларнинг рўйхатга олиш муддати тугагандан сўнг, рўйхатдан ўтган акциядор сони санаб чиқилганда қуйидагилар маълум бўлди:

Умумий йиғилишга қуйидаги овоз берувчи акциялар эгалари (уларнинг вакиллари) келишган.

1. Марғилон шаҳар ҳокимлиги номидан вакил Тўлкинов Дилшоджон Тохиржон ўғли 2025 йил 22 апрел кунги № 56-сонли ишончномага асосан **4 513723** дона акция – **73,93 %** овоз билан,

2. “Марғилон Файз савдо комплекси” акциядорлик жамияти номидан вакил Мамаджонов Баходир Мамуржонович 2025 йил 15 май кунги № 22-сонли ишончномасига асосан **1 107** дона **0.02 %** овоз билан,

4. Фарона вилояти “Дехкон бозори ва савдо комплекслари уюшмаси” номидан вакил Илхомжон Тошбоев 2025 йил 14 май кунги № 69 -сонли ишончномасига асосан **8 160** дона **0.13 %** овоз билан,

5. 273 дона **0,004 %** овоз берувчи акцияга эгалик қилувчи 4 нафар жисмоний шахслар рўйхатдан ўтдилар.

Акциядорлик жамиятининг жами овоз берувчи акциялар сони **6 105327** дона.

Жами йиғилган овоз берувчи акциялар сони **4 523 263** дона, бу эса овоз берувчи акцияларга нисбатан **74,08 %**ни ташкил этади.

Юқоридагиларни инобатга олиб акциядорларнинг умумий йиғилишини ваколатли деб ҳисоблаймиз.

Санок комиссияси баёни қатнашувчилар томонидан бир овоздан тасдиқланди.

Йиғилиш қатнашчилари томонидан санок комиссияси таркибига ўзгартириш киритилмади ва қуйидаги номзодлар санок комиссияси аъзолигига бир овоздан яна бир йил муддатга сайландилар:

1. Тожибоев О. 2. Орифжонов А. 3. Каримова М.

Йиғилиш раиси этиб - И.Тошбоев хамда йиғилиш котиби этиб – Б Мамаджоновлар қатнашувчилар томонидан бир овоздан тасдиқландилар.

-Шундан сўнг йиғилиш раиси сўз олиб, бугунги умумий йиғилишда кворум тўпланганлиги ва йиғилишни бошлаш мумкинлигини айтиб, йиғилишни тартибли олиб бориш учун ишчи гуруҳни сайлаб олиш мақсадида акциядорлардан таклифларни сўради.

Акциядорлар томонидан йиғилиш президиумига қуйидаги номзодлар тавсия қилинди:

1. И.Тошбоев - “Фарғона вилояти бозорлар уюшмаси” вакил
2. Д.Тулкинов - Марғилон шаҳар ҳокимлиги вакили
3. И.Азизов - Жамият бошқарув раиси

Юқоридаги номзодлар қатнашувчилар томонидан бир овоздан тасдиқландилар

Йиғилиш раиси ишчи президиум аъзоларига ўз ўринларини эгаллашларини сўради ва кун тартиби, уни олиб бориш регламентини қатнашчиларига ўқиб эшитирди.

Йиғилиш кун тартиби ва регламенти қатнашувчилар томонидан бир овоздан тасдиқланди.

Шундан сўнг йиғилиш раиси кун тартибидаги масалалар тўғрисида тўхталиб, бугунги умумий йиғилиш кун тартибига ўн иккита масала кўйилганлиги ва ҳар бир масала кўриб бўлингандан сўнг, музокаралар олиб боришни, қушимча равишда сўзловчилар бўлса, уларга сўз беришликни таклиф қилди. Йиғилиш қатнашчилари бир овоздан тасдиқлаб ўз розилиklarини бердилар.

Кун тартибида:

1. Умумий йиғилиш регламенти ва санок комиссияси таркибини тасдиқлаш.
2. Марғилон шаҳар “Дехқон бозори” акциядорлик жамияти ижро органининг 2024 йил молия-хўжалик фаолияти ва бизнес-режа кўрсаткичлари бажарилиши бўйича ҳисоботини тасдиқлаш
3. Марғилон шаҳар “Дехқон бозори” акциядорлик жамияти кузатув кенгашининг 2024 йил якуни бўйича ҳисоботи ва қабул қилинган қарорларини тасдиқлаш.
4. Марғилон шаҳар “Дехқон бозори” акциядорлик жамиятини 2024 йил якуни бўйича аудиторлик текшируви хулосасини тасдиқлаш.
5. Марғилон шаҳар “Дехқон бозори” акциядорлик жамиятни 2024 йил якуни бўйича жамият бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоб-варағини тасдиқлаш ва соф фойдани тақсимлаш
6. Марғилон шаҳар “Дехқон бозори” акциядорлик жамияти ижро органи раҳбари томонидан тақдим қилинган 2025 йил учун бизнес-режасини тасдиқлаш.
7. Марғилон шаҳар “Дехқон бозори” акциядорлик жамияти бошқарув раиси сайлаш ва меҳнат шартномасини тузиш.
8. Марғилон шаҳар “Дехқон бозори” акциядорлик жамияти ижро органи аъзоларини қайта сайлаш.
9. Марғилон шаҳар “Дехқон бозори” акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши аъзолари ва мустақил аъзони сайлаш.
10. Марғилон шаҳар “Дехқон бозори” акциядорлик жамияти аффилиланган шахслари билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида тузилиши мумкин бўлган битимлар маъқуллаш.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 1 апрел кунги ПҚ 132 сонли қарори ва Фарғона вилояти ҳокимлигини 2025-2026 йилларда Марғилон шаҳрини ривожлантириш Дастурига асосан қушимча ишчи ўрни яратиш мақсадида қурилиш ишларини бажаришни тасдиқлаш
12. Марғилон шаҳар “Дехқон бозори” акциядорлик жамияти 2025 йил йил учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматиغا туланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш.

Йиғилиш кун тартиби (1-масала) ва регламенти қатнашувчилар томонидан бир овоздан тасдиқланди.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича Марғилон шаҳар “Дехқон бозори” акциядорлик жамияти бошқарув раиси И.Азизов сўз олиб 2024 йил якуни бўйича молиявий хўжалик фаолияти тўғрисида ҳамда жамиятимизда қилинган ишлари бўйича ҳисобот берди. (Ҳисобот илова қилинади)

Кун тартибидаги учунчи масала бўйича йиғилиш аъзоси И.Тошбоев сўзга чиқиб ўз сўзида Марғилон шаҳар “Дехқон бозори” акциядорлик жамияти кузатув кенгашининг 2024 йил якуни бўйича ҳисоботи ва 2024 йилда қабул қилинган қарорларини тасдиқлаш. юзасидан ўз ҳисоботини йиғилиш қатнашчиларига ўқиб эшиттирди (ҳисобот илова қилинади).

Кун тартибидаги тўртинчи ва бешинчи масалалар бўйича жамият бош ҳисобчиси М.Мамажонова сўзга чиқиб, 2025 йил 24 апрел кунги “ТТТ-Аудит” маъсулияти чекланган жамияти аудиторлик ташкилоти томонидан берилган ижобий хулосасини йиғилиш қатнашчиларига таништирди, жамият томонидан 2024 йил якуни бўйича йиғилиш қатнашчиларига бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботлар билан

таништирди. Шунингдек у жамият томонидан 2024 йил якуни бўйича **104 576 000** сўм микдорида соф фойда олингани, кузатув кенгашини берган тавсияга кўра олинган соф фойдани қуйидагича тақсимлаш умумий йиғилиш ҳукмига хавола қилинганини таъкидлади:

- | | |
|--|---------------------------|
| 1. Жамият захира фондиди шакллантириш учун | - 5.0 % - 5 228 800 сум. |
| 2. Жамиятни ривожлантиришга | - 35.0 % - 36 601 600 сум |
| 3. Инновация жамгармасига | - 10.0 % - 10 457 600 сум |
| 4. Дивидентга | - 50.0 % - 52 288 000 сум |

Жами жойлашган акциялар сони 6 105 327 дона, $52\,288\,000 / 6\,105\,327 = 8,56$ сум,

яъни ҳар бир дона акцияга **8,56** сумдан дивидент ҳисобланиши умумий йиғилишга тавсия этилганлиги тўғрисида айтиб ўтди. (*Аудитор ҳулосаси, Бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботлари илова қилинади*).

Кун тартибидаги олтинчи масала Марғилон шаҳар “Дехқон бозори” АЖ ижро органи раҳбари томонидан тақдим қилинган 2025 йил учун бизнес-режани тасдиқлаш бўйича йиғилиш раиси сўз олиб жамият ижро органи томонидан 2025 йил учун тақдим этилган бизнес-режа кузатув кенгаши томонидан макулланган, шунинг учун кун тартибига тасдиқлаш учун киритилганини таъкидлади. Мазкур масала бўйича бошқарув раиси И.Азизов йиғилиш иштирокчиларини бизнес- режа параметрлари билан таништирди. (*Бизнес-режа илова қилинади*)

Кун тартибидаги еттинчи масала Марғилон шаҳар “Дехқон бозори” АЖ бошқарув раиси сайлаш ва меҳнат шартномасини тузиш” масаласи бўйича йиғилиш раиси сўзини давом эттириб “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги янги таҳриридаги Қонунини 79-моддасини 8 хатбошида Жамият директорининг, жамият бошқаруви аъзоларининг, ишончли бошқарувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида, жамият уставида ҳамда уларнинг ҳар бири жамият билан уч йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилиниши курсатиб ўтилган бўлиб ушбу қонунга асосан жамиятнинг амалдаги бошқарув раиси вазифасини бажараётган Азизов Иброҳимжон Абидович билан меҳнат шартномаси 3 (уч) йилга тузиш таклифини берди.

Кун тартибидаги саккизинчи, тўқизинчи масалалар бўйича йиғилиш раиси ўз сўзини давом эттириб Марғилон шаҳар “Дехқон бозори” АЖ ижро аъзоларини таркибини қайта сайлаш” масаласи юзасидан бошқарув органи аъзолигига қуйидаги номзодларни таклиф қилди:

1. Азизов Иброҳимжон - Бошқарув раиси
2. Мамажонов Иқболжон - жамият бош назоратчиси
3. Мамажонова Мадинахон - жамият бош ҳисобчиси.

Марғилон шаҳар “Дехқон бозори” АЖ Кузатув кенгаши аъзолари ва мустақил аъзони сайлаш “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги янги таҳриридаги Қонунини 76-моддасини 1 хатбошида Жамият кузатув кенгашининг аъзолари ушбу Қонунда ва жамият уставини 16-модда 16,2 бандида назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан кенгаши аъзолари 3 (уч) йил муддатга аъзолари соғ таркиби 5 (беш) нафар шундан 1 нафари мустақил аъзо сайлаш таклифини берди Яъни:

1. Тўлқинов Дилшоджон - Марғилон шаҳар Ҳокимлиги вакили
2. Тошбоев Илхомжон. - “Фаргона вилоят бозорлар уюшмаси” вакили
3. Мамажонов Абдурахмон - акциядор
4. Мамажонов Баходиржон - Мустақил аъзо
5. Джураев Ярданжон. - “Фаргона вилоят бозорлар уюшмаси” вакили

Кун тартибидаги унингчи масала Марғилон шаҳар “Дехқон бозори” АЖнинг аффилиланган шахслари билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида тузилиши мумкин бўлган битимлар маъқуллаш. Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида тузилиши мумкин бўлган битимлар тўғрисида тушунчалар бериб ўтди.

Кун тартибидаги ўн биринчи масала Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 1 апрел кунги ПҚ 132 сонли қарори ва Фарғона вилоятини 2025-2026 йилларда Марғилон шаҳрини ривожлантириш Дастурига асосан қўшимча ишчи ўрни яратиш мақсадида қурилиш ишларини бажаришни тасдиқлаш; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 1 апрел кунги ПҚ 132 -сонли қарори ва Фарғона вилоятини 2025-2026 йилларда Марғилон шаҳрини ривожлантириш Дастурига асосан қўшимча ишчи ўрни яратиш, бўш турган бино-иншоотларни миллий архитектура ишланмаларни акс эттирган лойиҳалар асосида реконструкция қилиш ер майдонларида янги савдо расталарини қуриш, автотураргоҳ ташкил этиш мақсадида қурилиш ишларини амалга ошириш Замонавий қурилишдаги савдо павилионлари қурилиш ишларини бажариш учун Давлат дастурига киритилганлиги таъкидлаб 2025-2025 йилларда қурилиш монтаж ишларини бошланишини айтиб ўтди. Қурилиш монтаж ишларини бажариш учун қурилиш лойиҳа сметаларини таёрлаб тегишли давлат органлари томонидан рухсат олиб Давлат дастурга асосан қурилиш ишларини бажариш учун қурилиш лойиҳа сметасидан 60 фоизи узоқ муддатли кредит ҳисобидан қолган 40 фоизи ўз маблағлари ҳисобидан амалга ошириш таклифини берди.

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала Марғилон шаҳар “Дехқон бозори” АЖ 2025 йил учун аудиторлик ташкилотини танлаш ва унга тўланадиган хизмат ҳақи миқдорини белгилаш масаласи жамиятга ўз таклифлари билан мурожаат қилган “Аудит профессионал практик” ва “ТТТ-Аудит” МЧЖ аудиторлик ташкилотлари таклифлари ўрганиб чиқилиб 2025 йил якунлари бўйича жамиятимишни “ТТТ-Аудит” МЧЖ аудитор текширувини ўтказишлигини таъкидлаб ўтди ҳамда аудиторлик хизмати учун тўланадиган хизмат ҳақининг юқори миқдори 7 000,0 минг сўм этиб белгиланишини айтиб ўтди.

Шундан сўнг кун тартибига қўйилган масалалар бўйича иштирокчилар ўртасида савол-жавоблар, баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди.

Кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш натижалари қуйидагича;

| | |
|--------------------------|--------------------------|
| 1-масала; Розилар-100%, | қарши ва бетарафлар-йўқ. |
| 2-масала; Розилар-100%, | қарши ва бетарафлар-йўқ. |
| 3-масала; Розилар-100%, | қарши ва бетарафлар-йўқ. |
| 4-масала; Розилар-100%, | қарши ва бетарафлар-йўқ. |
| 5-масала; Розилар-100%, | қарши ва бетарафлар-йўқ. |
| 6-масала; Розилар-100%, | қарши ва бетарафлар-йўқ. |
| 7-масала; Розилар-100%, | қарши ва бетарафлар-йўқ. |
| 8-масала; Розилар-100%, | қарши ва бетарафлар-йўқ. |
| 9-масала; Розилар-100%, | қарши ва бетарафлар-йўқ. |
| 10-масала; Розилар-100%, | қарши ва бетарафлар-йўқ. |
| 11-масала; Розилар-100%, | қарши ва бетарафлар-йўқ. |
| 12-масала; Розилар-100% | қарши ва бетарафлар-йўқ. |

Овоз бериш натижаларига кўра акциядорларни умумий йиғилиши қарор қилади.

1. Умумий йиғилиш регламенти тасдиқлансин.
2. Марғилон шаҳар “Дехқон бозори” АЖ ижро органининг 2024 йил молия-хўжалик фаолияти ва бизнес-режа курсаткичлари бажарилиши бўйича ҳисоботи тасдиқлансин;
3. Марғилон шаҳар “Дехқон бозори” АЖ Кузатув кенгашини 2024 йил якуни бўйича кенгаш ҳисоботи ва 2024 йилда ўтказилган йиғилиш қарорлари тасдиқлансин.
4. Марғилон шаҳар “Дехқон бозори” АЖни 2024 йил якуни юзасидан 2025 йил 24 апрел куни берилган “ТТТ-Аудит” томонидан берилган аудитор ҳулосаси тасдиқлансин.

5. Марғилон шаҳар “Дехқон бозори” АЖ 2024 йил якуни бўйича жамият бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоб варағи тасдиқлансин, ҳамда **104 576 000** сўм соф фойда қуйидагича тақсимлансин:

| | | |
|--|----------|------------------|
| 1. Жамият захира фондини шакллантириш учун | - 5.0 % | - 5 228 800 сум. |
| 2. Жамиятни ривожлантиришга | - 35.0 % | - 36 601 600 сум |
| 3. Инновация жамғармасига | - 10.0 % | - 10 457 600 сум |
| 4. Дивидентга | - 50.0 % | - 52 288 000 сум |

Жами жойлашган акциялар сони 6 105 327 дона, $52\,288\,000 / 6\,105\,327 = 8,56$ сум, яъни ҳар бир дона акцияга **8,56** сумдан дивидент ҳисоблансин.

6. Марғилон шаҳар “Дехқон бозори” АЖ ижро органи раҳбари томонидан тақдим қилинган 2025 йил учун ишлаб чиқилган бизнес-режаси тасдиқлансин.

7. Марғилон шаҳар “Дехқон бозори” АЖ “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги янги таҳриридаги Қонунини 79-моддасини 8 хатбошида асосан Бошқарув раиси вазифасини бажараётган Азизов Иброҳимжон Абиджанович бошқарув раиси лавозимига сайлансин у билан меҳнат шартномаси 3 (уч) йил муддатга тузиш тасдиқлансин.

8. Марғилон шаҳар “Дехқон бозори” АЖ ижро органи аъзолигига номзодлар сайлансин.

1. Азизов Иброҳимжон - Бошқарув раиси
2. Мамажонов Иқболжон - жамият бош назоратчиси
3. Мамажонова Мадинахон - жамият бош ҳисобчиси

9. Марғилон шаҳар “Дехқон бозори” АЖ кузатув кенгаши аъзолари “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги янги таҳриридаги Қонунини асосан 3 (уч) йил муддатга ва мустақил аъзоликга қуйидаги номзодлар сайлансин:

1. Тўлқинов Дилшоджон - Марғилон шаҳар Ҳокимлиги вакили
2. Тошбоев Илхомжон. - “Фарғона вилоят бозорлар уюшмаси” вакили
3. Мамажонов Абдурахмон - акциядор
4. Мамажонов Баходиржон - Мустақил аъзо
5. Джураев Ярданжон. - “Фарғона вилоят бозорлар уюшмаси” вакили

10. Марғилон шаҳар “Дехқон бозори” АЖнинг аффилиланган шахслари билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида тузилиши мумкин бўлган битимлар маъқуллансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 1 апрел кунги ПҚ 132- сонли қарори ва Фарғона вилоятини 2025-2026 йилларда Марғилон шаҳрини ривожлантириш Давлат дастурига асосан қўшимча ишчи ўрни яратиш, бўш турган бино-иншоотларни миллий архитектура ишланмаларни акс эттирган лойиҳалар асосида реконструкция қилиш ер майдонларида янги савдо расталарини қуриш, автотураргоҳ ташкил этиш мақсадида қурилиш ишларини бажаришни тасдиқлансин.

11.1. Қурилиш монтаж ишларини бажариш учун қурилиш лоиҳа- сметаларин таёрлаш тегишли давлат органлари томонидан руҳсат олиб, рўйхатдан ўтказиш ишлари жамият бошқарув раиси зиммасига юклатилсин.

11.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 1 апрел кунги ПҚ 132- сонли қарори ва Фарғона вилоятини 2025-2026 йилларда Марғилон шаҳрини ривожлантириш Давлат дастурга асосан бўш турган бино-иншоотларни миллий архитектура ишланмаларни акс эттирган лойиҳалар асосида янги савдо расталарини ҳамда автотураргоҳ қурилиш ишларини бажариш учун қурилиш лоиҳа сметасидан 60 фоизи узоқ муддатли кредит ҳисобидан қолган 40 фоизи ўз маблағлари ҳисобидан амалга ошириш тасдиқлансин.

12.Марғилон шаҳар “Дехқон бозори” АЖнинг 2025 йил молия-хўжалик фаолияти юзасидан аудиторлик текширувини ўтказиш учун “ТТТ-Аудит” МЧЖ аудиторлик ташкилоти танлансин ҳамда хизмати учун тўланадиган тўловининг юқори миқдори 7 000,0 минг сўм этиб белгилансин.


Жамият ижро органи раҳбари ва бош ҳисобчисига ушбу йиғилиш қарорларини оммавий ахборотлар Openinfo.uz ягона партал, веб-сайдлариға белгиланган тартиб муддат ичида жойлаштириш вазифаси юклатилсин.

Йиғилиш раиси:



И.Тошбоев.

Йиғилиш котиби:



Б.Мамажонов.

Умумий йиғилиш баёни 2025 йил _____ июн куни тузилиб, имзоланди.